



MANUSCRIPT AND LITHOGRAPHIC SOURCES OF "SALOTI MAS'UDI"

Usmanova Mamatovna

Doctoral student at the International Islamic Academy of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13253058>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024
Accepted: 04th August 2024
Online: 05th August 2024

KEYWORDS

Library, fund, manuscript, lithograph, source, copy, "Saloti Mas'udi", Mas'ud Samarkandi, jurisprudence, Hanafi school.

ABSTRACT

This article provides information about the manuscripts and lithographic copies of Mas'ud ibn Mahmud ibn Yusuf Samarkandi (end of the XIII century, beginning of the XIV century) written in the Hanafi sect "Saloti Mas'udi" preserved in various funds of the world.

РУКОПИСНЫЕ И ЛИТОГРАФИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ «САЛОТИ МАСУДИ»

Усманова Маматовна

Докторант международной исламской академии Узбекистана

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13253058>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024
Accepted: 04th August 2024
Online: 05th August 2024

KEYWORDS

Библиотека, фонд, рукопись, литография, источник, копия, «Салоти Масуди», Масуд Самарканди, юриспруденция, ханафитская школа.

ABSTRACT

В статье представлены сведения о рукописях и литографических копиях произведения «Салоти Масуди», написанных в ханафитской секте Масуда ибн Махмуда ибн Юсуфа Самарканди (конец XIII, начало XIV в.), хранящихся в различных фондах мир.

“САЛОТИ МАСЪУДИЙ”НИНГ ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА МАНБАЛАРИ

Усманова Хулкар Маматовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13253058>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024
Accepted: 04th August 2024
Online: 05th August 2024

ABSTRACT

Мазкур мақолада Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандий (XIII аср охири XIV аср бошлари)нинг



KEYWORDS

Кутубхона, фонд, қўлёзма, тошбосма, манба, нусха, “Салоти Масъудий”, Масъуд Самарқандий, фикҳ, ҳанафий мазҳаби.

ҳанафий мазҳабида ёзилган “Салоти Масъудий” асарининг дунёнинг турли фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳақида маълумот берилган.

“Буюк фақиҳларимиз қолдирган сон-саноксиз илмий асарлардан юзлаб нусха Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон Муслмонлари идораси кутубхоналарида, шунингдек, шарқу ғарб мамлакатларидаги қўлёзмалар фондларида сақланиб, ўз тадқиқотчилари ва ноширларини кутмоқда” [1,10].

Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандий (XIII аср охири XIV аср бошлари) томонидан ёзилган, зарур фикҳий масалаларни ўз ичига олган “Салоти Масъудий” асарига эҳтиёжмандлар кўп бўлганлиги сабабли XIV-XX асрларда котиблар томонидан қўлёзма шаклида Самарқанд, Хива, Қўқон, Бухоро ва бошқа шаҳарларда кўплаб нусхаларда кўчирилган. Кейинчалик босма нашр услуби кашф этилгач, XVIII-XX асрларда ҳам Тошкент, Самарқанд, шунингдек Ҳиндистоннинг Бомбай, Покистоннинг Лаҳор ва бошқа шаҳарларида унинг матни қайта-қайта нашр этилган.

Тадқиқот давомида асарнинг Ўзбекистон ҳамда хориж давлатлари қўлёзма фондларида сақланаётган 107 та қўлёзма ва 104 та босма нусхалари аниқланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти[2]нинг “Асосий” фонди[3]да “Салоти Масъудий”нинг 37 та қўлёзма (34 та форсий, 3 та туркий), 21 та тошбосма нусхалари (16 та форсий, 5 та туркий) нусхалари сақланади.
2. Мазкур институтнинг “Дублет” фондида 3 та қўлёзма (форсий), 10 та тошбосма (9 та форсий, 1 та туркий) нусхалари сақланмоқда.
3. Мазкур институтнинг “Ҳамид Сулаймонов” фонди[4]да 12 та қўлёзма (форсий), 21 та тошбосма (13 та форсий, 8 та туркий) нусхалари мавжуд.
4. Муслмонлар идораси кутубхонаси[5]да 26 та қўлёзма (форсий), 44 та тошбосма (40 та форсий, 4 та туркий) нусхалари сақланмоқда.
5. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида 4 та (3 та форсий, 1 та туркий) тошбосма нусхалари мавжуд.
6. Энг катта араб эркин кутубхонасида 2 та қўлёзма (форсий) ва 1 та тошбосма (туркий) нусхалари[6] жой олган.
7. Гарвард университети кутубхонасида 1 та қўлёзма (форсий) нусхаси ва Гарвард юридик мактаби кутубхонасида 1 та қўлёзма (форсий) нусхаси[7] сақланмоқда.
8. Ўзбекистоннинг онлайн Маъмун кутубхонасида 1 та тошбосма (форсий) нусхаси[8] мавжуд.
9. Умм ал-Қура университети кутубхонасида 1 та қўлёзма (форсий) нусхаси[9] бор.



10. Н.И.Лобачевский номидаги Казань федерал университети номидаги илмий кутубхонада 3 та қўлёзма (форсий) нусхалари[10] мавжуд.
11. Осиё халқлари институтида 6 та қўлёзма (форсий) нусхалари[11] сақланади.
12. Техроннинг ислом шўро мажлиси кутубхонасида 2 та қўлёзма (форсий) нусхаси[12] мавжуд.
13. Стенфорд университетининг кутубхонасида 1 та қўлёзма (форсий) нусхаси[13] бор.
14. Жанубий Осиёнинг Дарулим рақамли кутубхонасида 3 та қўлёзма (форсий) нусхалари[14] сақланмоқда.
15. Иорданияда жойлашган нотижорат фондининг қирол Ғозий кутубхонасида 9 та қўлёзма (форсий) нусхалари[15] сақланади.
16. Эрон ислом республикасининг Ҳиндистон ва Техронда жойлашган Нур халқаро микрофилм маркази кутубхонасида 2 та тошбосма нусхалар сақланади[16].

Жами 198 та (107 та қўлёзма ва 104 та тошбосма) нусхалар қайд этилди. Аслида нусхалар сони бундан ҳам кўп. Бироқ ҳозиргача изланишлар шу сонни кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Масъуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асари фикҳ илмига оид муҳим манба бўлганлиги учун қайта-қайта қўлёзма ва тошбосма нусхаларда кўчириб кўпайтирилган. “Салоти Масъудий”нинг илм аҳли орасида, айниқса омма халқ орасида кенг тарқалганига сабаб - асар ҳанафий мазҳабида ёзилган бўлиб, тўлалигича шаръий ҳукмлар ва ҳаётий масалаларга бағишланган ҳамда ўзига хос илмий услубда таълиф этилган. Масъудий ҳар бир ҳукмни нақлий ва ақлий далиллар билан исботлайди. Мавзуни янада мустақамлаш учун ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ўртага қўйиб, уларни аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби уламолари-буюк фақиҳларнинг ва машҳур саҳоба-ю муҳаддисларнинг фикрлари ҳамда ривоятлари асосида ҳал қилади. Бир ҳуқуқий масалани кенгроқ ёритиш ва яхшироқ тушунтириш учун улар билдирган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солиштиради ҳамда ўзининг шахсий фикри ва хулосасини беради.

References:

1. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари.-Т.: Тошкент ислом университети, 2002.-Б. 10.
2. ЎзР ФАШИнинг асосий, дублет ва Ҳамид Сулаймон номли учта фонди мавжуд.
3. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 1943 йилда ташкил қилинган бўлиб, жаҳондаги энг бой қўлёзмалар - хазиналаридан саналади. Бу фонд ЮНЕСКОнинг умуминсоний аҳамиятга эга нодир объектлари рўйхатига киритилган. (Кейинги ўринларда ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди деб юритилади).
4. ЎзР ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти 1998 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институтига қўшиб юборилган. Ҳозирда унинг қўёзмалари мазкур институтнинг асосий ва дублет фондларидан кейинги учинчи фондиди ташкил қилади ҳамда Ҳ.Сулаймонов мажмуаси деб аталади (Кейинги ўринларда ЎзР ФА ШИ Ҳ.Сулаймон фонди деб юритилади).



5. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасига 1943 йилда Диний бошқарманинг биринчи раҳбари, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1860-1957) томонидан асос солинган. Бугунги кунда кутубхонада 20 минг нусхага яқин китоб сақланмоқда.
6. <https://ketabpedia.com/> P: 2/1/0402 ва P: PAK-001-1036 بخش گنج پاکستان кутубхонасида сақланади ва № 4706 - муаллиф: الادروني ، محمد ، كامل بن ابراهيم بن محمد. Китоб номи: المسعودية الصلوات ترجمة في الاخروية النفيسة
7. Harvard Law School Library, Harvard University//https://curiosity.lib.harvard.edu/islamic-heritage-project/catalog/40-990082123880203941_HLSLIBR:4264865. / يوسف بن محمد بن مسعود، سمرقندي، Şahḥāf ‘Abd al-Jalīl, & Samarqandī, M. i. M. i. Y. (1881). Ancient manuscripts: manuscript, 1298-1299 [ie 1881-1882]. / يوسف بن محمد بن مسعود، سمرقندي، & Samarqandī, M. i. M. i. Y. (1881). Ancient manuscripts: manuscript, 1298-1299 [ie 1881-1882]. <http://nrs.harvard.edu/urn-3:HLS.LIBR:4264865>.
8. <http://www.ms.mamun.uz/ms/web/ru/site/index> // № 5.
9. <https://dorar.uqu.edu.sa/uquui/handle/20.500.12248/113680>
10. Арсланова А.А. Персоязычные рукописи по фикху в собрании научной библиотеки им. Н.И.Лобачевского Казанского федерального университета. // Тюркомусульманский мир: идентичность, наследие и перспективы изучения (Сборник статей). - Казан: Изд-во Казан. Ун-та, 2015. – Ст. 122, 127, 129. / Ф-152, Ф-268, Ф-526.
11. Акимушкин О.Ф., Кушев В.В., Миклухо-Маклай Н.Д., Мугинов А. М, Салахетдинова М.А. Персидские и таджикские рукописи Института народов Азии Академии наук СССР: Краткий алфавитный каталог. М.: Наука, 1964. Ч. I. - С. 367, 406, 493, 495. / В 2392, С 1507, 2041, В 2385, С 131, Д 301.
12. <https://www.lib.ir/> / IR 10-15198; IR 10-15345.
13. https://dlmreview.stanford.edu/ar/library/catalog/990082123880203941_HLS.LIBR:4264865 / 237326570.
14. <http://182.180.118.29/cgi-bin/koha/opac-detail.pl?biblionumber=9697> 297.14 S187M / 297.14 S187S / 297.14 S187S.
15. [www.quranicthought.com=books_name /KMI_1568727](http://www.quranicthought.com=books_name/KMI_1568727); 57612; 34470; 33578; 33045.
16. www.indianislamicmanuscript.com.